

ларига бериш лозим ва шу билан биз уларни рағбатлантирган бўламиз. Шунингдек, республикадаги кўп қаватли уйларни иситишда биз таклиф қилган иситиш тизимининг ўзи етарли эмас, албатта. Иситиш тизими билан биргаликда уйларнинг энергия самарадорлигига ҳам катта эътибор қаратиш лозим. Бу бўйича уйлар ичидаги иссиқликни ушлаб қолиш учун махсус изоляция қопламаларда ҳамда энергия тежамкор ойналардан кўпроқ фойдаланиш лозим бўлади. Албатта, бу бирмунча қимматга тушиши мумкин, бироқ ҳозирги энергия ресурсларининг шиддат билан ўсиш даврида кейинги уйни иситиш учун қилинадиган харажатларни ҳисоблаганда, уйларнинг энергия самарадорлигини ошириш бир-

мунча арзон бўлишига ишонч ҳосил қилинади. Бундан ташқари тизимли муаммоларни ҳал қилиш лозим. Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш даврида қурилиш соҳасини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлашда “яшил” мезонларга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратиш лозим бўлади. Янги кўп қаватли уйларни қуришда кўпроқ энергия тежамкор ва энергия самарадор маҳсулотлардан фойдаланиш, уйларни инновацион-изоляция қопламалар билан ўраш, энергия тизимида ҚТЭМ қурилмаларидан фойдаланиш, дераза ва ромларда энергия тежамкор ойналардан фойдаланишни устувор йўналишлар сифатида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/ecology>. Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда атмосферага чиқарилган иссиқхона газлари эмиссиясининг ҳисоботи.
2. Известия Томского политехнического университета. Инжиниринг георесурсов. 2015. Т. 326. № 8. УДК 624.131. Оптимальное (энергоэффективное) теплоснабжение здания в системе центрального отопления.
3. УДК 504.75 ББК 91.9. Современные проблемы экологии: доклады XXVI всерос. науч.-практич. конференции под общ. ред. В.М. Панарина. – Тула: Инновационные технологии, 2021. – 161 с. С. 7-8.
4. Applied Thermal Engineering 210 (2022) 118403. Applied Thermal Engineering 210 (2022) 118403 16. <https://doi.org/10.1016/j.applthermaleng.2022.118403>
5. <https://doi.org/10.3390/app10041214>. Distributed Optimal Scheduling of Electricity-Gas-Heating System Based on Improved Alternating Direction Method of Multipliers. Appl. Sci. 2020, 10, 1214; doi:10.3390/app10041214.
6. <https://doi.org/10.1016/j.est.2020.101913>. A review on phase change materials for thermal energy storage in buildings: Heating and hybrid applications. Khaireldin Faraj. Energy and Thermo-Fluid Group, Lebanese International University, LIU, PO Box 146404Beirut, Lebanon 2021.
7. <https://doi.org/10.3390/en16165902>. Extensive Analysis of a Reinvigorated Solar Water Heating System Using Low-Density Polyethylene Glazin. Energies 2023, 16, 5902.
8. Энергетика вазирлиги. Ўзбекистонни 2020-2030 йиллар электр энергияси билан таъминлаш концепцияси. 21 б. 2019 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги “Янги Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ПҚ-220-сонли қарори.
11. Мирзаев Б. Ўзбекистон Республикасининг малла иқтисодиётдан “яшил” иқтисодиётга ўтишида барқарор ривожланиши. 49-55 б. 38 (261), 2022 й. ISSN 2687-0142.
12. UNDP ANALYSIS of results of energy monitoring over the heating season of 2014-2015 after application of energy-efficient measures and renewable energy in a pilot four-room rural house. UNDP (www.uz.undp.org) 2015.



СANOAT СИЁСАТИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ БАҲСЛАР: У КЕРАКМИ ЎЗИ?

Муқимов Шерали Ахмадали ўғли -
PhD, Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a47

Аннотация. Мақолада саноат сиёсатининг иқтисодий самараси бўйича назарий ёндашувлар “тарафдор” ва “қарши” гуруҳларига бўлиб ўрганилади. “Қарши” гуруҳининг аргументлари ўта табиий ва оддийлигини инобатга олган ҳолда, асосий эътибор “тарафдор” гуруҳининг аргументларига қаратилади. Ўрганишлар натижасида саноат сиёсатининг кераклиги тўғрисидаги илмий баҳслар мантиқан якуини топган ва тарафдорларнинг илм соҳасидаги “дипломатик ғалабаси” билан тугаган, деган хулоса асослаб берилади.

Калит сўзлар: саноат сиёсати, технологик тараққиёт, инновация, бозор нуқсонлари, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, ташқи таъсирлар, самарадорлик.

Мукимов Шерали Ахмадали угли -
 PhD, самостоятельный соискатель
 Высшей школы стратегического анализа и
 прогнозирования Республики Узбекистан

Аннотация. В статье изучаются теоретические подходы к экономической эффективности промышленной политики на основе их разделения на группы «за» и «против». С учётом того, что аргументы группы «за» носят сугубо естественный и несложный характер, основное внимание уделяется аргументам группы «за». В результате изучения обосновывается заключение о том, что научные дискуссии на счёт необходимости промышленной политики логически исчерпаны и окончены «дипломатической победой» сторонников данного вида экономической политики.

Ключевые слова: промышленная политика, технологическое развитие, инновация, недостатки рынка, государственное вмешательство в экономику, внешние эффекты, эффективность.

SCIENTIFIC DISCUSSIONS ABOUT INDUSTRIAL POLICY: SHOULD WE OR NOT?

Mukimov Sherali Akhmadali ogli -
 PhD, Independent researcher of the Higher school for
 strategic analysis and prognosis of the Republic of Uzbekistan

Abstract. The paper studies theoretical approaches towards economic effectiveness of industrial policy by dividing them into the groups “for” and “against”. Taking into account the fact that the arguments suggested by group “against” are of purely natural and plain character, we focus more on the arguments of the group “for”. Basing on the analyses we conclude that scientific discussions about industrial policy are logically ended with “diplomatic victory” of the proponents of industrial policy.

Key words: industrial policy, technological development, innovation, market failures, government intervention into economy, externalities, effectiveness.

Кириш. Саноат сиёсати иқтисодиёт фанида энг кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, ҳа-
 нузгача макроиқтисодчи олимларни “тарафдор”
 ва “қарши” гуруҳларга бўлиб келаётган кам сон-
 ли мавзулардан бири ҳисобланади. Саноат сиёса-
 тини ёқлаб, унинг давлатлар иқтисодий тарақ-
 қиётида тутган ўрни бўйича олиб борилган тад-
 қиқотлар қанчалик кўп бўлса, худди шу тарақ-
 қиётнинг сабаблари аслида бошқа омилар экан-
 лигини тасдиқловчи адабиётлар ҳам кам эмас.

Сўнгги 20 йилдаги илмий адабиётлар шар-
 ҳи саноат сиёсатининг давлат иқтисодий сиёса-
 тининг бир йўналиши (солиқ ва пул-кредит сиё-
 сати каби), иқтисодиёт фанининг алоҳида тар-
 моғи сифатида тан олинishi лозим, деган фикр-
 га ундайди. Айниқса, сўнгги 10 йилликда амалга
 оширилган изланишлар саноат сиёсатининг
 “ҳақ” эканлигини, ушбу йўналишда катта ҳажмда
 эмпирик тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини
 кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, саноат сиёсатига қарши
 бир қатор кучли аргументлар ҳам борки, улар
 “қарши” гуруҳ иқтисодчилари томонидан кенг
 фойдаланилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу аргу-
 ментлар шу қадар табиий ва объективки, уларга
 ҳалигача назарий жиҳатдан жавоб беришда
 “тарафдор” олимлар қийналиб келишади. Бу эса
 ўз навбатида, саноат сиёсати юзасидан назарий
 ва эмпирик тадқиқотларни янги босқичларда
 давом эттиришга ундайди.

Адабиётлар шарҳи. Саноат сиёсати бўйи-
 ча олиб борилган тадқиқотларни шартли равиш-
 да 2 катга гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ
 2010 йилларгача бўлган илмий ишларни ўз
 ичига олиб, уларда, асосан, саноат сиёсатининг
 моҳияти, иқтисодий ўсишни таъминлашдаги
 аҳамияти, уни юритишнинг зарурати тўғрисида
 назарий мулоҳазалар ўрин олган. Масалан,
 Р.Ҳауссман ва Д.Родрик ўз тадқиқотларида са-
 ноат сиёсатини юритиш кераклиги бозор нуқ-
 сонлари билан изоҳланишини таъкидлаб ўтади
 [1]. А.Медисон эса саноат сиёсати жамият тарақ-
 қиёти масаласи эканлигини, тарихан ишлаб чи-
 қаришдаги бандлик ва қўшилган қиймат бунга
 шароит яратганини қайд этади [2]. М.Ди-Майо
 ушбу ёндашувни тўлдирган ҳолда, саноат сиё-
 сати айти вақтда технологик тараққиёт, юқори
 капитал сиғимкорлиги, кучли қўшилган қиймат
 занжирларининг яратилиши, талабнинг юқори
 даражадаги эластиклиги, бандликнинг таъмин-
 ланишини саноатлаштириш билан боғлаб ту-
 шунтиради [3].

2010 йилдан кейинги адабиётларда эса
 қандай қилиб саноат сиёсатини муваффақиятли
 юритиш мумкинлиги тадқиқ этилмоқда. Айти
 вақтда илмий ишларда эконометрик таҳлиллар-
 нинг сифати ва қўлами кенгайиб, 2010 йилгача
 очик қолган масалалар аста-секин ўз ечимини
 топа бошлади. Масалан, Р.Юҳас миллий иқтисо-
 диёт ўз рақобатбардошлигини сақлаб қолиши
 учун қандай саноат сиёсати юритиш кераклиги

бўйича тадқиқот ўтказиб [4], тармоқ даражасида олиб борилган саноат сиёсати энг камида анъанавий ва маҳаллий ишлаб чиқариш усуллари ривожлантиришини аниқлаган. Худди шундай натижалар В.Ханлоннинг изланишлари натижасида олиниб [5], ўз тасдиғини топган.

Д.Гросс ва Б.Сампат ўз илмий ишларида давлатнинг инновацияларни яратиш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиб, Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШда давлат томонидан молиялаштирилган тадқиқот ва ишланмалар (R&D) кейинчалик мамлакатда ўнлаб йиллар давомида инновацияларнинг географиясини белгилаб берганини аниқлаган [6]. С.Кантор ва А.Валли эса алоҳида штатлар кесимида NASA харажатларининг самарасини ўрганиб, “Аполлон” миссиясидан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ушбу харажатлар маҳаллий қўшилган қийматга ижобий таъсир кўрсатганини аниқлаганлар [7].

Фин урушининг иқтисодий самараларини ўрганган М.Митрунен Финляндиянинг саноатлашган давлатга айланишида айнан шу урушнинг роли катта эканлигини очиб берган [8]. Гап шундаки, уруш якунига кўра, Финляндия Совет иттифоқига репарация сифатида кемалар, локомотивлар, кабеллар ва двигателлар етказиб бериши керак бўлган. Ўша вақтларда Финляндия саноати бу каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун етарли даражада малака сиғимига эга бўлмаган. Шундай бўлса-да, муаллиф мажбурий ишлаб чиқариш фин иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатган, деган хулосага келган.

Умуман олганда, аксарият адабиётларда саноат сиёсатининг миллий иқтисодиёт учун фойда келтиргани тарихий маълумотлар орқали асослаб берилади. Замоनावий маълумотлар орқали амалга оширилган тадқиқотларнинг нисбатан камлиги, шунингдек, уларнинг натижалари ҳар доим ҳам саноат сиёсати фойдасига бўлавермаслиги мазкур йўналишда назарий ва эмпирик тадқиқотларга янада кўпроқ эҳтиёж мавжудлигига ишора қилади.

Тадиққот методологияси. Ушбу илмий мақола назарий характер касб этади ва шунинг учун тадқиқот методологияси адабиётларнинг контент таҳлиliga асосланади. Бунда саноат сиёсатига оид мақолаларда келтирилган ёндашувлар, фойдаланилган аргументлар ва контраргументлар тизимлаштирилиб, хулосалар ясалади.

Фойдаланилган материаллар турли даврларга оид бўлиб, уларнинг аксарияти 2000 йилдан кейин эълон қилинган. Таҳлилларнинг тўқислигини таъминлаш мақсадида саноат сиёсатининг тамал тошлари қўйилган даврлар – 1950-1970 йилларга оид адабиётлардан ҳам фойдаланилади.

Саноат сиёсати мавзуси ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан қисман бўлса-да, ўрганилган ва қайд этиш жоизки, Ўзбекистонга оид ўрганилмаган жиҳатлар ҳам назарий, ҳам эмпирик томонидан етарлича кўп. Шу сабабли ушбу мақолада мамлакатимиз иқтисодчилари томонидан турли кўринишларда (илмий мақола, блог, интервью) билдирилган фикрлар ҳам адабиёт сифатида қабул қилинади ва таҳлилларда фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар. Саноат сиёсати мазмунан давлатнинг барқарор иқтисодий ўсиш ва саноат маҳсулотининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида саноатнинг алоҳида тармоқларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини англатади [9]. Яъни ҳар қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар саноат сиёсати давлатнинг иқтисодиётга аралашувини назарда тутди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви масаласи доимий танқидларга учраб келган ва саноат сиёсатига оид дебатларни ҳам айнан шу мунозаралар нуқтаи назаридан изоҳлаш мумкин.

Саноат сиёсати деганда, унинг номидан келиб чиққан ҳолда, одатда, металлургия, автомобилсозлик, кимё ва энгил саноат, электротехника ва ярим ўтказгичлар саноатида давлат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар мажмуи кўз олдимизга келади. Лекин замоनावий адабиётларда саноат сиёсатининг қамрови анчайин кенгроқ олиниб, хизматлар, инновациялар ва илмий ишланмалар (R&D)ни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳам саноат сиёсати доирасида кўрилмоқда. Шунингдек, саноат сиёсати алоҳида худудларни ривожлантиришга ҳам қаратилиши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатларда саноат сиёсати турлича номлар билан, жумладан, унумли тараққиёт сиёсати [10] ёки таркибий трансформация сиёсати [11] қабилида юритилиши мумкин. Чунки саноат сиёсати бир қатор иқтисодчилар ва олимлар томонидан салбий қабул қилиб келинаётган, шунингдек, уларнинг таъсири натижасида мамлакатлар аҳолиси томонидан “тескари реакция” билдирилиши мумкин бўлган терминлардан бири ҳисобланади.

Саноат сиёсати тарафдорлари томонидан илгари суриладиган асосий аргумент бозор нуқсонлари ҳисобланади. Улар бу нуқсонларни бартараф этишнинг самарали воситаси сифатида айнан саноат сиёсатини кўрадилар. Замоनावий адабиётларда 2 турдаги бозор нуқсонлари ажратиб кўрсатилади: ташқи таъсирлар ва мувофиқлаштириш муаммоси.

Ташқи таъсирлар. Агар иқтисодий фаолият жамият учун наф келтирса ва бу ушбу фаолиятни амалга оширган шахслар даромадида акс этмаса, бу ҳолат иқтисодий фаолиятнинг ижо-

бий ташқи таъсири дейилади. Ташқи таъсирларни тадқиқ этиш иқтисодий адабиётларда энг кенг тарқалган йўналишлардан бири ҳисобланади. Бирор товар ёки хизматнинг яхшироқ ёки самаралироқ ишлаб чиқарилиши ёхуд жорий қилинган янги технологиянинг бошқа ишлаб чиқарувчиларга таъсирини аниқлаш ана шу йўналишдаги тадқиқотларга мисол бўлади. Масалан, бир қурувчининг янги архитектура асосида уй қуриши бутун қурилиш секторида бурилиш ясаши, ўзи қурган қулайроқ ва шинамроқ уйлари билан аҳолининг эҳтиёжларини яхшироқ қондириши мумкин. Таъкидлаш жоизки, бу каби ташқи таъсирларнинг яратилиши каттароқ маблағ ва тегишлича риск олишни талаб этади. Яъни бутун жамият учун фойда келтирадиган янгиликлар биргина тадбиркорлик субъекти елкасига тушади ва бу ҳолат, табиийки, миллий иқтисодиётда инновацион фаолликни чеклайди. “Биринчи бўлиш rischi”ни ўзига олаётган фирмалар айни вақтда, Р.Хауссман ва б. томонидан таъкидланганидек, иқтисодиётнинг “ўзини ўзи англаши”га ҳам ёрдам беради ва бу уларнинг асосий ташқи таъсиридир [12].

Шу билан бирга, ташқи таъсирлар миллий хавфсизлик масалаларига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, бирор товар ёки хизмат (технологиялар, бутловчи қисмлар, ярим ўтказгичлар ва ҳ.к.)нинг импортига қарамликни камайтириш мамлакатнинг умумий хавфсизлигини таъминлашга ижобий ҳисса қўшади. Табиийки, импортга қарамликни қисқартириш хусусий фирмалар томонидан қарор қабул қилиш жараёнида ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланмайди. Шу сабабли ҳам давлат саноат сиёсатини юритиш орқали бу йўналишдаги фирмаларни қўллаб-қувватлаши, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан ижобий қарорлар қабул қилинишини рағбатлантириши мумкин.

Худди, шунингдек, давлат камбағалликни қисқартириш, ижтимоий бирдамликни таъминлаш, жиноятчиликни камайтиришда ҳам саноат сиёсатини қўллаши мумкин. Бунда корхоналарни рағбатлантириш улар томонидан яратилган сифатли иш жойларига қараб амалга оширилиши мумкин.

Умуман олганда, миллий иқтисодиётнинг “ўзини ўзи англаши”, миллий ва ижтимоий хавфсизлик муаммолари бозор томонидан ҳал этилмайди. Шу сабабли, уларни ҳал этиш давлатнинг ўзига қолади ва буни саноат сиёсати воситасида амалга оширади. Буни иқтисодчи М.Ди-Майо таъбири билан айтганда, давлат иқтисодиётга аралашуш орқали инвестиция рискларини у ёки бу даражада ижтимоийлаштириши (бўйнига олиши) натижасида хусусий ва жамият манфаатларининг уйғунлашишига эришади [3].

Мувофиқлаштириш муаммоси. Бозорнинг ушбу нуқсони шундай вазиятни назарда тутадик, унда бир ишлаб чиқарувчининг оладиган фойдаси бошқалар томонидан амалга ошириладиган иқтисодий фаолият самарадорлигига боғлиқ бўлиб қолади. Мазкур фаолият ишлаб чиқарувчи учун керак бўлган бутловчи қисмлар, хомашё ва материаллар, ҳаттоки, транспорт хизматларини ўз ичига олиши мумкин. Р.Жуҳаснинг фикрига кўра, мувофиқлаштириш муаммоси муайян даражада миқёс самарасини ҳам талаб этади [11]. Давлат аралашувининг йўқлиги шароитида бундай вазиятлар турлича бозор мувозанатини юзага келтириши мумкин. Муаллиф мисол тариқасида А товарни ишлаб чиқариш Б товарга қараганда фойдалироқ, лекин ҳар икки товар ҳам ишлаб чиқарилаётган вазиятни келтиради. Яна бир вазиятда худди шундай ҳолат симметрик равишда Б товар билан ҳам содир бўлишини қайд этади ва 2 хил бозор мувозанати юзага келишини таъкидлайди: биринчисида А товар ҳам, Б товар ҳам ишлаб чиқарилмайди, иккинчисида эса ҳар иккиси ҳам ишлаб чиқарилади. Агар А ва Б товарни ишлаб чиқаришнинг ижтимоий қиймати уларнинг муқобил қийматидан каттароқ бўлса, миллий иқтисодиёт “субоптимал” мувозанатга кириб қолади. Давлат эса интервенция орқали ишлаб чиқарувчиларни юқори мувозанатга ундаши мумкин.

Р.Жуҳаснинг ёндашувини содда шаклда “хусусий сектор томонидан киритилаётган инвестициялар ҳар доим ҳам бозор мувозанатини таъминлашга етавермайди ва шунинг учун ҳам саноат сиёсати орқали инвестиция жараёнларини рағбатлантириши керак бўлади”, деб тушуниш мумкин. Буни кўпроқ қишлоқ хўжалигида кўриш мумкин: давлатлар нон нархининг барқарорлигини таъминлаш учун буғдойчиликни молиявий қўллаб-қувватлайди, субсидиялар ажратади, давлат буюртмаларини ташкил этади.

Давлат инвестицияларини мақсадли йўналтириш зарурати ҳам саноат сиёсати тарафдорлари томонидан аргумент сифатида кенг қўлланилади. Хусусий сектор ишлаб чиқариши учун давлат қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш, тартибга солиш, таълим ва инфратузилма каби давлат хизматларига инвестицияларни йўналтиради. Иқтисодчиларнинг таъбири билан айтганда, бу каби инвестициялар горизонтал характер касб этади – барча ишлаб чиқарувчилар учун бирдек хизмат қилади. Лекин реал ҳаётда ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжлари уларнинг жойлашуви ва фаолиятнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўта ўзига хос бўлади. Масалан, давлат темир йўлларга инвестиция киритса, ундан фақатгина бир гуруҳ фирмалар наф кўради. Яъни ҳар қандай давлат инвестицияси тадбиркорлик субъектларига турлича шароит яратади.

Табиийки, давлат бундай инвестицияларни амалга оширишда самарадорликни янада ошириш йўлидан боради: темир йўлни йирик саноат корхоналарига яқин жойда қуришга ҳаракат қилади. Худди, шунингдек, давлат кадрларни тайёрлашда, касбга ўқитишда ҳам “тўғри танлаш муаммоси”га дуч келади [13]. Танловларнинг тўғрилигини таъминлаш жараёни эса ўз-ўзидан саноат сиёсатини юзага келади.

Саноат сиёсатини “оқлаш” тараққиёт назарияси орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Жамият тараққиёти, кўпинча, саноат инқилоблари, технологик ривожланиш билан боғлаб тушунтирилади [14]. Замоनावий жамиятларда ҳам иқтисодий ўсишда саноатнинг стратегик роль ўйнашига ҳам алоҳида урғу берилади. Технологик ўсиш, қўшилган қийматнинг ортиши, капитал сифимининг юксалиши, малакали ишчи кучининг юзага келиши каби ижобий самаралар айнан саноат сиёсатининг натижаси деб қаралади.

Ресурслар чекланганлиги ҳам саноат сиёсатини асослашга хизмат қилади. Давлат апаратининг жисмоний ва молиявий имкониятлари саноатнинг барча тармоқларини бирдек қўллаб-қувватлашга етмайди. Ривожланаётган мамлакатларда бу ҳолат яққол намоён бўлади: миллий иқтисодиёт деярли барча юқори қўшилган қиймат яратувчи соҳаларда жаҳон даражасидан ортада қолиб кетган, ресурслар эса фақатгина саноқли соҳаларда таркибий ўзгаришларни амалга оширишгагина етиши мумкин. Ҳукуматлар ҳам айни шу мантиқ асосида алоҳида тармоқлар ёки ишлаб чиқарувчиларни танлаб олади ва ижобий ташқи таъсир умидида ресурсларни уларни қўллаб-қувватлашга сафарбар этади.

Саноат сиёсатининг танқидчилари эса айнан шу танлаб олишнинг мураккаблиги, аниқроқ айтганда, давлат “ёмон қарор қабул қилувчи” ёки “ёмон инвестор” эканлигига асосий контр-аргумент сифатида мурожаат қиладилар. Қуйида саноат сиёсатига қарши аргументларни атрофлича кўриб чиқамиз.

Қарши аргументлар мазмунан тўғридан-тўғри саноат сиёсатининг ўзига эмас, балки уни асослаш учун келтириладиган аргументларга қаратилади. Бунда уларни шартли равишда 2 катта гуруҳга бўлиш мумкин: ахборот билан боғлиқ ва манфаатлар тўқнашуви.

Ахборот билан боғлиқ муаммолар. Танқидчилар бозор нуқсонларини бартараф этишда давлатнинг ролини эътироф этсалар-да, бу ролни саноат сиёсати даражасига олиб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайдилар. Чунки, уларнинг фикрича, давлат бозор нуқсонининг кўлами, даражаси ва жойлашуви ҳақида ҳеч қачон бозорнинг ўзидан кўра кўпроқ ва аниқроқ ахборотга эга бўла олмайди [15]. Ахборот етарли

бўлмаганидан кейин, табиийки, тўғри қарор қабул қилиш ёки амалиётчиларнинг таъбири билан айтганда, “чемпионларни тўғри танлаб олиш” ҳам муаффақиятсизликка юз тутаяди. Ўзбекистонлик иқтисодчи Б.Рахимовнинг хулосаларига кўра, шаффофлик тўлиқ таъминмаслиги ва сиёсатчиларда техник билимларнинг етишмаслиги саноат сиёсатининг ёмон ишлаб чиқилишига олиб келади [16].

Сўнгги йилларда “чемпионларни танлаш” тажрибаси Ўзбекистон амалиётида ҳам кўзга ташлана бошлади. 2021 йилда тузилган Ўзбекистон тўғридан-тўғри инвестициялар фондининг ўша вақтдаги раҳбари О.Назиров АҚШлик журналистга берган интервьюсида 1 млрд. долларлик фондни тузишдан мақсад “маҳаллий чемпионларни” танлаб олиш ва уларга инвестиция киритиш эканлигини таъкидлаб ўтди [17].

Иқтисодчи Б.Ҳошимов ҳам саноат сиёсатига қаршилигини билдириб, асосий аргумент сифатида давлат бозорнинг функцияларини бажара олмаслигига ишора қилади. Унинг фикрича, молиявий ресурсларнинг қаерга боришини, қайси корхоналарга берилишини бозор механизмлари эмас, давлат бюрократлари ҳал қилиши кўзланган натижаларга олиб бормайди. Шуларга асосан, иқтисодчи давлат, умуман, саноат сиёсатини юритиши керак эмас, айниқса, давлатнинг салоҳияти етарли бўлмаса, деган хулосага келади [18].

Бошқа бир иқтисодчи О.Бакиров шу йўналишда ўз фикрларини билдириб, мустақил Ўзбекистон тарихида саноат сиёсатини юритишнинг 2 та муваффақиятсиз тўлқини кузатилганини қайд этади. Бунинг сабабини тушунтиришда юқорида таъкидланган контр-аргумент – давлатнинг тўғри ва самарали қарор қабул қила олмаслигидан фойдаланади. Унга кўра, саноат сиёсати доирасида давлат томонидан муҳим деб ҳисобланган саноат лойиҳаларига маъмурий-бюрократик йўл билан бюджет ва қарз маблағларини жамлаш, маъмурий-бюрократик йўл билан тақсимлаш ва йўналтириш ушбу муваффақиятсизликка олиб келган [19].

Манфаатлар тўқнашуви. Саноат сиёсати кўп ҳолларда давлат инвестицияларини тақозо этади. Қарор қабул қилиш жараёни эса давлат ходимлари томонидан тўпланадиган ва таҳлил қилинадиган маълумотларга асосан амалга оширилади. Мазкур жараёнда саноат сиёсати тор доирадаги манфаатларнинг илгари сурилиши (лобби), сиёсий таъсир ёки босим ўтказилиши, ҳукуматнинг бевосита ёки билвосита хусусий манфаатларга хизмат қилиб қолиши ва бунда ижтимоий манфаатларнинг инобатга олинмаслиги каби ҳолатларга йўл очади. “Давлат ғолибларни танлаб ололмаслиги” иккинчи сабаб шу

каби коррупцион омиллар билан боғлаб тушунтирилади.

Саноат сиёсати бўйича илмий баҳсларнинг чигаллашиши ва боши берк кўчага кириб қолишида амалиётдан келтириладиган мисоллар ҳам катта роль ўйнайди. Масалан, саноат сиёсати тарафдорлари унинг яроқли ва самарали эканлигини далиллашда доимо Шарқий Осиё мамлакатлари: Япония, Жанубий Корея, Тайвань ва Хитой тажрибасига мурожаат қиладилар. Бу давлатларнинг тараққий этишида етакчи омил Иккинчи жаҳон урушидан кейин олиб борилган саноат сиёсати бўлгани ҳақида жар солинади. Бошқа томондан, танқидчилар эса Лотин Америкаси ва Африкадаги бир қатор мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидан ортда қолиб кетишида айнан саноат сиёсатини “айбдор” қилиб кўрсатадилар. Бунга жавобан тарафдорлар “айб” саноат сиёсатининг ўзида эмас, балки уни амалга ошириш жараёнидаги камчиликларда бўлганини уқтирадилар. Танқидчилар эса ўз навбатида, Шарқий Осиё мамлакатлари, агар саноат сиёсати юритмаганида, янада яхшироқ натижаларга эришган бўларди, деган фикрни илгари суриб, уларни ривожлантирган асосий омил малакали давлат ходимлари ва сифатли институтлар бўлганини исботлашга уринадилар.

Илмий баҳсларга яқун ясаилиши учун, табиийки, катта ҳажмли эмпирик тадқиқотлар керак бўлади. Бироқ мамлакат кесимида саноат сиёсати самарадорлигини таққослаш ҳозирги кунда ечими топилмаётган вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки саноат сиёсати доирасида кўриладиган чоралар турли мамлакатларда турлича ва ўзига хос характерга эга бўлади. Бу шуни англатадики, 2 мамлакат бир хил саноат интервенциясини амалга оширса-да, олинадиган натижалар бир-биридан тубдан фарқ қилиши мумкин. Бошқача айтганда, саноат сиёсатининг чегараларини белгилаш, яъни “қайси чора унинг таркибига киради-ю, қайсиси – йўқ” деган саволга жавобга топиш, ундан сўнг мазкур чораларни миқдорий кўрсаткичларда акс эттириш тадқиқотчилар учун ўта мушкул масала бўлиб қолмоқда. Шу сабабли сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқотларда саноат сиёсатининг самарадорлиги фақатгина импорт тарифлари, саноатга берилган субсидиялар ва имтиёзлар каби кўрсаткичлар ёрдамида аниқланмоқда. Улар саноат сиёсатининг кичик бир таркибий қисмлари ҳисобланиб, табиийки, умумий самарадорлик тўғрисида хулосаларни шакллантиришга етарли бўлмайди.

Шу билан бирга, эмпирик тадқиқотлар олдида саноат сиёсати воситаларини миқдорий кўрсаткичларга ўтказишдан ташқари муваффақиятни тўғри баҳолаш муаммоси ҳам туради. Юқоридаги мисолни давом эттирган ҳолда

айтиш мумкинки, тадқиқотларда субсидиялар, импорт тарифлари ва экспортни рағбатлантиришга йўналтирилган маблағлар (учаласи – мустақил ўзгарувчилар) орқали фақатгина инвестициялар оқимининг ортиши, экспортнинг ўсиши ёки саноат маҳсулоти таркибининг ўзгариши (учаласи – боғлиқ ўзгарувчилар) каби воқеликларни изоҳлашда фойдаланилади. Яъни саноат сиёсатининг самарадорлигини ўзида тўлиқ акс эттирувчи интеграл кўрсаткич ҳам мавжуд эмас.

Саноат сиёсати моҳиятан бозор нуқсонларини бартараф этишга қаратилиши сабабли унинг самарадорлиги ҳам айнан ушбу нуқсонлар ҳолати орқали ифодаланиши мақсадга мувофиқ. Бозор нуқсонларини мониторинг қилиш эса камдан-кам ҳолатлардагина мумкин. Айни вақтда саноат сиёсати натижасида эришилган ижобий натижалар баҳоланганда, юзага келган салбий оқибатларни ҳам инobatга олишга қаратилган эконометрик моделларни куриш ҳозирги кун учун имконсиздек кўринмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Саноат сиёсати тўғрисида билдирилган фикрлар асосида хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги вақтдаги ўзаро зиддиятли ёндашувлар, асосан, “саноат сиёсатини юритиш керакми ёки йўқ?” деган савол атрофида жамланган.

Тарафдорлар сўнгги йилларда ўз ғояларининг тўғрилигини исботлаш учун эмас, балки оппонентлар томонидан илгари сурилаётган аргументларга жавоб топишга кўпроқ эътибор қаратмоқдалар. Аниқроқ айтганда, 2010 йилларгача саноат сиёсатининг зарурлиги ва ижобий натижа келтира олишини далиллаш баҳсларнинг мазмунини ташкил этган. Эндиликда эса тарафдорлар сони салмоқли ортиб, “саноат сиёсатини қандай қилиб самарали юритиш мумкин?” деган савол устида изланиш олиб бормоқдалар. Бунинг натижасида саноат сиёсати яхлит илмий категория сифатида шаклланиб, уни ўрганишнинг турли йўналишлари ва оқимлари пайдо бўлди. Уларнинг ичида 2 оқимни алоҳида ажратиш мумкин: мамлакатнинг қиёсий устунлигига асосланган ва уни инobatга олмайдиган [20]. Биринчи йўналиш давлат саноат сиёсатини юритишда мамлакат қиёсий устунлигини ифода этувчи тармоқларни танлаши кераклигини назарда тутса, иккинчиси технологик ривожланиш учун янги тармоқларни яратиш мумкинлигига асосланади. Ҳозирда саноат сиёсати шу каби оқимлар ва йўналишлар ҳисобига ўзида билимлар тизимини жамлаб, тўлақонли фан тармоғи бўлиб шаклланиш арафасида турибди.

Бундан ташқари глобал иқтисодий трансформация жараёнларига мослашишда ҳам саноат сиёсати ўзининг янги ролига эга бўлиб бор-

моқда. Кўплаб давлатлар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни “яшиллаштириш”, сифатли иш ўринларини яратиш ва бу орқали ўрта синфни қўллаб-қувватлаш, геосиёсий чақириқларга мослашиш каби императивларни бажаришда саноат сиёсатини юритмоқда. Улар ўзлари кўраётган чора-тадбирлар тизимини “саноат сиёсати” деб атама-да, моҳият тўлиғича саноат сиёсатига бориб тақалади. Мазкур “чора-тадбирлар тизими”, табиийки, бир қатор рискларни келтириб чиқаради. Масалан, саноатни “яшиллаштириш” бўйича талабларнинг жорий қилиниши тармоқдан фирмаларнинг чиқиб кетиши (crowd-out effect) ёки таннархнинг оши-

шига олиб келса, саноатда яратилган иш ўринлари учун субсидияларни ажратиш кутилган самарани бермаслиги мумкин. Саноат сиёсати тарафдорларининг янги ёндашуви эса айнан шу каби масалаларга ечим топишга қаратилган.

Бизнингча, саноат сиёсатининг кераклиги тўғрисидаги илмий баҳслар мантиқан якунини топган ва тарафдорларнинг илм соҳасидаги “дипломатик ғалабаси” билан тугаган. Шу сабабли келгусидаги тадқиқотлар мейнстримида саноат сиёсатини юритиш самарадорлигини ошириш масалалари кун тартибига чиқиши кутилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Hausmann, Ricardo, and Dani Rodrik (2003). “Economic Development as Self-Discovery”, *Journal of Development Economics*, 72(2): 414-50.
2. Maddison, Angus (2001). *The world economy. a millennial perspective (Development Centre Studies)*. Paris: OECD.
3. Di Maio, Michele. *Industrial Policy*. In: *Industrial Development: ideas, experience, and prospects. Chapter 32*. ISBN: 9780799671663.
4. Juhász R. 2018. *Temporary Protection and Technology Adoption: Evidence from the Napoleonic Blockade*. *Am. Econ. Rev.* 108(11): 3339-76.
5. Hanlon WW. 2020. *The Persistent Effect of Temporary Input Cost Advantages in Shipbuilding, 1850 to 1911*. *J. Eur. Econ. Assoc.* 18(6): 3173-3209.
6. Gross D.P., Sampat B.N. 2023. *America, Jump-started: World War II R&D and the Takeoff of the US Innovation System*. w27375, NBER.
7. Kantor S., Whalley A.T. 2023. *Moonshot: Public R&D and Growth*. w31471, NBER.
8. Mitrunen M. 2021. *Industrial Policy, Structural Change and Intergenerational Mobility: Evidence from the Finnish War Reparations*.
9. Муқимов Ш.А. Саноат сиёсатининг мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашдаги ўрни. / “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиётида конституциявий ислохотларнинг аҳамияти” халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ЖИДУ, 2023 йил 26 апрель.
10. Fernández-Arias E., Sabel C., Stein E.H., Trejos A. 2016. *Two to Tango: Public-Private Collaboration for Productive Development Policies*. Washington, D.C.: Inter-American Development Bank.
11. Juhász R., Lane N., Rodrik D. *The New Economics Of Industrial Policy*. University of British Columbia, University of Oxford, and Harvard University, respectively. This is a draft of a paper prepared for the Annual Review of Economics. August, 2023.
12. Ricardo Hausmann, Dani Rodrik & Charles F. Sabel, *Reconfiguring Industrial Policy: A Framework with an Application to South Africa*, Harvard University Center For International Development Working Paper No. 168; Harvard Kennedy School Faculty Research Working Paper No. RWP08-031 (2007).
13. Rodrik D., Hausmann R. 2006. *Doomed to Choose: Industrial Policy as Predicament*.
14. Szirmai, Adam (2011). “Industrialisation as an Engine of Growth in Developing Countries, 1950-2005”, *Structural Change and Economic Dynamics* 23(4):406-20.
15. Pack, Howard, and Kamal Saggi (2007). “The Case for Industrial Policy: A Critical Survey”. *World Bank Research Observer*, 21(2): 267-97.
16. Рахимов Б. Нужна ли промышленная политика? Манба: <https://review.uz/post/nujna-li-promshlennaya-politika>. Мурожаат санаси: 25.08.2023 йил.
17. TIA&TW - The New Uzbekistan – Economy and Investment. Youtube тармоғидаги видео. Манба: https://www.youtube.com/watch?v=wC-luNz_2tw.
18. Иқтисодчи Б.Ҳошимовнинг “Телеграм” мессенжердаги каналдан. Манба: https://t.me/iqtisodchi_kundaligi/2437.
19. Иқтисодчи О.Бакировнинг “Телеграм” мессенжердаги каналдан. Манба: https://t.me/the_bakiroo/6793.
20. Vladimir Popov, Anis Chowdhury. *What can Uzbekistan tell us about industrial policy that we did not already know? DESA Working Paper No. 147. February, 2016. P. 14.*